

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2026 йил февраль ойининг 26 куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Тошкент шаҳар суди судьяси Ш.Шерматов, ҳайъат судьялари: А.Шамсутдинова ва А.Мухиддиновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Л.Абдураззаковнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ж.Козимов, судланувчи Ш.Нурматов ва унинг ҳимоячиси – адвокат У.Кадировнинг иштирокида, судланувчи Ш.Нурматовнинг адвокати У.Кадиров томонидан келтирилган апелляция тартибидаги шикоятини 1-1002-2502/806-сонли жиноят иши билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг

2026 йил 6 январдаги ҳукмига кўра:

Нурматов Шерзод Шермат ўғли (Nurmatov Sherzod Shermat o'g'li), 1996 йил 21 апрель куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Янгихаёт м.ф.й., 3-уйда яшаган, иш бўйича “қамоқда сақлаш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2025 йил 4 июлдан ҳибсда сақланаётган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, ушбу модда билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилиши, жазо муддати 2025 йил 4 июлдан бошлаб ҳисобланиши белгиланган.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида эътироф этилган ҳамда таҳлиллардан қолган жами 1,2978 грамм гашиш гиёҳвандлик воситалари йўқ қилиниши белгиланиб, “Ред Ми” русумли телефон аппарати жиноят ишининг “Сардор” исмли



шахсга нисбатан ажратилган қисмида сақланаётганлиги инобатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан, жазони ўташ жойларида каннабиноидли гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2025 йилнинг 02 июль куни соат тахминан 22:00ларда Ўзбекистон Республикаси ДХХ, “Тошкент-АЭРО” ИБК Контрабандага қарши курашиш шўъбаси ва Тошкент шаҳри аэропортларида ХТБ ЖКҒ ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган 16-сонли оилавий поликлиника олдида ўтказилган тезкор тадбир давомида “Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти” МЧЖ АХХ АВМНБ назоратчиси бўлиб ишловчи, Ш.Нурматов ёнида бўлган, жигар рангли, ўткир ҳидли гиёҳванд моддасига ўхшаш моддани тадбирга махсус харидор сифатида жалб қилинган, шахси сир тутилишини сўраган фуқарога олдиндан келишилган 450.000 сўмни турмуш ўртоғи Ш.Орифова номига расмийлаштирилган 9860 0101 3878 2114 рақамли банк пластик картасига ўтказиш эвазига сотган вақтида тадбир иштирокчилари томонидан ашёвий далиллар билан ушланган.

Тошкент ИИББ ЭКМнинг 04.07.2025 йилдаги №1020-сонли хулосасига кўра, фуқаро Ш.Нурматовдан олинган модда “гашиш” гиёҳвандлик моддаси ҳисобланиб, унинг соф оғирлиги 0,52 граммни ташкил этиши аниқланган.

Адвокат У.Кадиров апелляция шикоятда, Ш.Нурматов қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, икки нафар фарзанди борлигини, турмуш ўртоғи ҳомиладорлигини инобатга олиб, суддан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати судья Ш.Шерматовнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ж.Козимовнинг биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи Ш.Нурматов ва унинг ҳимоячиси – адвокат У.Кадировнинг апелляция шикоятини қувватлаб берган фикрларини тинглаб, апелляция шикоятидаги важларни текшириб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, суд ҳукмини қўйидагиларга асосан ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган. Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу



хулосалар суд муҳокамасида ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асосланган.

Судланувчи Ш.Нурматовнинг жиноят содир этишдаги айби, унинг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, билдирги, ашёвий далилларни олиш баённомалари, судга оид кимёвий экспертизасининг хулосаси, Ш.Нурматовга тегишли бўлган “Ред Ми” русумли телефон аппаратини ҳамда Ш.Нурматовага тегишли пластик картани кўздан кечириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисларида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ текширилган бошқа объектив далиллар мажмуи билан тасдиқланган.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Ш.Нурматовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, судлов ҳайъати, Ш.Нурматовга тайинланган жазонинг адолатлилигини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги тушунтиришларга амал қилиб, унинг шахсини, содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, шу жумладан айбига қисман иқрорлиги, оилавий аҳволини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятларда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилган модданинг қисми санкциясида назарда тутилгандан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, асосли хулосага келиб, ашёвий далиллар масаласини тўғри ҳал қилган деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанция суди биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, ҳукми ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482-483, 490, 491, 495, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг
2026 йил 6 январдаги Нурматов Шерзод Шермат ўғли



(Nurmatov Sherzod Shermat o'g'li)га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Тошкент шаҳар судига тафтиш тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

/имзо/

Ш.Шерматов

Ҳайъат судьялари:
А.Шамсутдинова

/имзо/

/имзо/

А.Мухиддинов

Аслига тўғри:

Маърузачи: Шерматов Шохдиёр Бахтиёрович

